

ПАХТА-98

ЗАРБДОРЛИКЛАР ХИРМОНИ

Зарбдор тумани деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси жамоаси зафар кучди. Улар 6 минг 700 гектар майдонда пахта етиштириб, қарийб 15,5 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйдилар. Ўртача ҳосилдорлик 23,2 центнердан ортди. Режага қўшимча тўрт минг тонна пахта топиришга қарор қилинди.

Йўлчи ЖўРА,
ЎЗА мухбири.

БАЛЛИ, КОСОНЛИКЛАР

Косонлик пахтакорлар бугун зафар маррасига етиб келишди. Улар бу мавсумда эллик тўрт минг тонналик улкан хирмон яратишди.

Туманининг «Гулистон» жамоа хўжалиги маррага биринчилар қатори етиб келди. Хўжалик раҳбари Саиджон Хусанов қувончини ичига сиғдиришмайди. Ўн бир йилдирки, пахтадан юқори ҳосил олишда у билан беллашаман, деган азамат топилаётган. Бу йил ҳосилдорлик 35 центнердан ошди. 3050 тонна пахта топириш режалаштирилган эди. Хирмонга тўқилган пахта салмоғи эса 3400 тоннани ташкил этди. Бу ҳали сўнгги марра эмас. Далада ҳосил чўғи баланд. Гулистонлик пахтакорлар давлатга яна 300 тонна дурдона сотишга сўз беришган.

Туман пахтакорларининг улкан ғалабасида «Шарқ юлдузи», Улугбек номли, Абдулла Набиев номли, «Ўзбекистон», «Косон» ва «Жарқум» жамоа хўжаликлари пахтакорларининг хизматлари ҳам беқиссидир.

Улкан пахта хирмонининг қад кўтаришида механизатор ва

чевар теримчиларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш жоиз. Пахта далаларида 25 минг теримчи, пахта териш машиналари меҳнат қилди. Эшқувват Мўминов ўзига бир қитилган «Кейс» комбайни билан 500 тонна пахта терди. Матлуба Қўлшоёва, Гулмира Каримова, Марҳаб Турсунова, Лобар Олимова, Гулнора Омонова, Феруза Йўлдошева, Уғилой Олимова, Фазилат Шарипова, Сафия Боборажабова, Ханифа Хўжақулова, Баҳор Очилова, Назокат Хўжаназарова каби теримчилар 8-10 тоннадан ошириб пахта теришди.

Шуниси қувончлики, бу йил йиллик режани бажармаган хўжалик қолмади, ҳисоб. Ҳали йилги-терим ишлари низоҳасига етгани йўқ. Косонликларнинг нияти ҳосил салмоғини 60 минг тоннага етказишдир.

Бозор ЭРҚОРОВ

ИККИ ТУМАН ҒАЛАБАСИ

Бухоро вилоятида икки туман — Бухоро ва Гиждувон пахта топириш йиллик режаларини удалади. Давлат қабул пунктларида бухороликлар 39660 тонна, гиждувонликлар эса 41560 тонна эълосифатли «оқ олтин» топириб вилоятда пешқадамлар сифидан ўрин олишди.

Бу улкан ютуққа Бухоро туманидаги «Малайик» Усмон Юсуфов номли, «С. Ёлқоров» номли, «Бухоро», «Чорбақор», «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари пахтакорлари муносиб улуш қўқилди. Шунингдек, Гиждувон туманининг «Зарафшон», А. Ғиждувоний номли, Ф. Ҳўжаев номли, «Гулистон», С. Айниев номли жамоа хўжаликлари деҳқонларининг ғайрат-шиқоятлари ҳам улардан кам бўлмади.

Ҳозир ҳар икки туман далаларида ҳам йилги-терим давом этмоқда. Асосий мақсад — етиштирилган ҳосилни нисбатан кўп қилиш, ёғин-сочилли кунларга қолдирмай териб олишдир.



Мамазокир Обидов номли жамоа хўжалиги Кува туманидаги пешқадам хўжаликлардан бири ҳисобланади. Миришкорлар бу йил эрта баҳорда 600 гектар майдонда чигит экиб, 40 центнердан ҳосил олишни режалаштиришган. Айни пайтда хўжалик далаларида йилги-терим қизғин давом этмоқда. Дала ишчиларида барча шарт-шароитлар мавжуд. Қўлмизчиларимиз теримчилар ўртасида мусобақалар ўтказилиши, ғалабаларнинг моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилиши эса кундалик ўсишда яхши натижалар бераётган.

СУРАТДА: хўжаликнинг илгор теримчиси Дилфуза Саримсоқова.

Т. ҲАМОҚУЛОВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ

Истиқлолнинг етти йиллиги байрами муносабати билан Ватанимизнинг бир гуруҳ асл фарзандлари «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвонига сазовор бўлдилар. Улар орасида халқимизнинг севикли шоири, ҳозирги ўзбек адабиётининг йирик намояندаси Абдулла Орипов ҳам бор. Бу воқеа адабиёт аҳлини, кўп миллионли адабиёт мухлисларини, умуман элмизни қувонтирди.

Абдулла Ориповнинг 40 йилдан буюн жўшқин, шиддатли ҳаяжонлантиради. Шоирнинг ҳайрати шу ҳайратнинг мазмунини ярақлатиб очади.

Абдулла Ориповнинг шоирона дунёқарши, нуқта назарининг ўзига хослиги шундаки, у ҳаётни ва инсон маънавиятининг воқеликка муносабатининг ўзига хослигига кўра, ҳар гал бетакор руҳда бўлади.

Абдулла Ориповнинг шоирона дунёқарши, нуқта назарининг ўзига хослиги шундаки, у ҳаётни ва инсон маънавиятининг воқеликка муносабатининг ўзига хослигига кўра, ҳар гал бетакор руҳда бўлади.

ЮДУЗЛАР ЖИЛВАСИ

Улуг бобокалонларимизнинг Самарқанд ва Фарғонада ўтказилган муборак тўйлари хусусида

Мамлакатимиз ўтган ҳафта давомида буюк воқеалар силсиласи билан яшади. Самарқандда ислом оламининг буюк мутафаккири, ҳадис илми султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган тантаналар, Фарғонада эса халқимизнинг яна бир буюк ўғлини, ўрта асрлар жаҳон илм-фани асосчиларидан бири, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг хотирасини ёд этиш маросимлари бўлиб ўтди. Аслида бу икки тадбирнинг бақамти ва узвий ўтказилишида ҳам теран моҳият бор.

Ҳар иккала бобомиз биз яшаётган шу муқаддас заминнинг илм-фан, маърифат ва маданият гуллаб-яшнаган бир тўғрисида таваллуд топди, воёта-воёта Гарчанд тақдир узок ўқу-қаламга сафар қилишга, у ерларда яшашга мажбур этган бўлса-да, улар шу юрт

улуг бобокалонларимизнинг Самарқанд ва Фарғонада ўтказилган муборак тўйлари хусусида

улуг бобокалонларимизнинг Самарқанд ва Фарғонада ўтказилган муборак тўйлари хусусида

Аҳмад ал-Фарғоний

7200

римизни тозалади. Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси, сай амали билан минг йиллик қадриятларимиз қайтадан юз кўрсатмоқда, маданиятимиз, тарихий мерос ва урф-одатларимиз асраб-авайланмоқда. Уларни тадқиқ этиш, келажак авлодларга етказиш учун қатта ишлар қилинмоқда. Зеро, Юртбошимиз Кувада, айнан Шахристон — меъморий мажмуасида биз журналистлар саволларига жавоб бера туриб, улуг мақсадларга эришиш учун ҳар бир инсоннинг маънавияти юксак бўлмоғи зарур, дедилар. У киши яна айтишларки, тарихий илмларимизни, бизга мадал берадиган аждодларимизни билмасдан туриб, ўзгичмизни англай оламимиз. Шу боис ушбу заминда воёта-воёта улуг сиймоларнинг унутилмас нолларини тиклаш муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

ШЕЪРИЯТ

диган, аниқ ва ўткир образларда гўзал ифодаланади. Абдулла Ориповнинг илк «Митти юлдуз» китобчаси бундай ҳайрат туйғуларига бой. Лекин, аслини айтганда, бу китобчанинг адабиётдаги ногаҳоний жиддий маъқеини таъминлаган яна бир тоифа шеърлар бор. Масалан, унинг адабиётда ўзига хос таъсирли йўлини белгилаб берган «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?», «Темир одам», «Дорбоз», «Бургут» деган шеърлари худди шу китобчада эди. Бу шеърлар ўткир ижтимоий-маънавий кузатишлари ва ўйларни ўзида мужассамлантирган асарлардир. Уларда биз бугун билган, севган улкан шоирнинг зуваласи яққол кўриниб туради. Бу шеърларда фаол, жиддий, салмоқли дунёқарашли шоир гавдаланади. Дунёқарашнинг жиддийлиги, салмоқлиги — ҳар қандай улкан адибга хос фазилатдир. Лекин дунёқараш, аниқроқ айтсак, нуқта назар ижодкор истеъдоднинг табиати, эндиликларини фавқуллодга ўткир бир нитҳа билан илғайди. Бундай эндиликлик шойрда ҳаётга ва инсонга юксак бир талабчан муносабатни вужудга келтиради. Шоир мукамаллиқни, баркамоллиқни талаб этади. Абдулла Орипов шеърияти шу олий талабчанлик руҳи билан алоҳида ажралиб туради. Шу мукамаллик талаби билан шоир ҳаётга ва инсонга жиддий саволлар қўяди. Ўткир ҳукмлар чиқаради. Аёвсиз ҳақиқатқўйлик, аёвсиз саволлар, аёвсиз жавоблар — бу шеъриятнинг ҳаммаша ички жозибаси, куч-қудратини таъмин этиб келди.

Абдулла Орипов 60-йилларда, ўз ижодининг дастлабки пайтларида «Шоирлар ҳаёти» деган бир шеър ёзган эди. Бу кичик шеърда ёш шоир деворда суратлар қатор осилган улуг шоирлар тақдирини тўғрисида ҳаёлга толади ва тирикчиликда «дунёга сиймаган» ана шу буюк ижодкор инсонлар қисматида шундай шоирона хулоса чиқаради:

Шоирлар ҳаёти
ҳаммаша шундоқ,
Рамжақа тушади
фақат... Ҳадада.
(Давоми 3-бетда).

КЎРГАЗМА

“ВЕНГРИЯ — СИЗНИНГ ҲАМКОРИНГИЗ”

Тошкентдаги Киночилар уйида “Венгрия — сизнинг ҳамкорингиз” мавзуда кўргазма очилди. У Тошкентдаги Венгрия маданият-савдо ваколатхонаси ҳамда ушбу мамлакатнинг ҳалқаро кўргазмалар ташкил этиш билан шуғулланувчи “Махир” фирмаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, унда турли фирма ва компаниялардан ташқари, Венгрия саноат-саноат палатаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Маъмур мусасаса 150 мингта яқин тадбиркорни бирлаштириб туради. Бу ишбилармонлар раҳбарлик қилаётган корхоналар мамлакат яқин ички маҳсулотининг 40, экспортининг эса 50 фоизини ишлаб чиқаради.

Кўргазмада озиқ-овқат, кимё, алюмин, машинасозлик, электроника, қурилиш саноати маҳсулотлари, кенг халқ истеъмоли моллари намойиш этилмоқда. Тадбирнинг биринчи куниданоқ бу ерга қўнлаб ўзбекистонлик тadbirkorлар, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакиллари ташриф буюриб, амалий мулоқотларини бошлаб юборишди. Таъкидлаш жоизки,

БАРЧА МАНФААТДОР БЎЛСИН

Бутунги бозор иқтисодиёти шартларида барча жабҳаларда рекламанинг нечоғлик муҳим ҳаракатлантувчи куч эканлиги яққол кўриниб қолди. Бундай шартларда рекламани тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш зарурати туғилган эди. Шу боисдан яқинда матбуотда Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси эълон қилинди. Унда рекламага тааллуқли жиҳатлар тўлиқ қамраб олинган бўлиб, реклама берувчи, тайёрловчи, тарқатувчи ва ундан фойдаланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ ақс этирилган. Нотўғри, қалгилуви ва истеъмоличига зарар етказувчи рекламалар берилишига чек қўйилган.

Маълумки, рекламаларни оммага етказишда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни алоҳидадир. Маъмур қонун лойиҳасининг 14-моддасида «Реклама йўсинидаги хабарлар ва материалларни бериб беришга ихтисослашмаган даврий босма нашрларда реклама нашр бир соғи ҳажмининг 40 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим», дея таъкидланган. Даврий босма нашрлар ўз-ўзини маблаг билан таъминлашга ўтаётган ҳозирги шартларда пулли реклама бериш миқдорининг чегаралаб қўйилиши матбуотнинг молиявий аҳолини анча қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шу боисдан ушбу жумла «Даврий босма нашрларда пулли реклама берилиш миқдори ўз имкониятларидан келиб чиқиб белгилансин» деб ўзгартирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

С. РЎЗИҚУЛОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» ва
«Сирдарёнская правда»
газеталари бош муҳаррири.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОС

«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг матбуотда эълон қилиниши ҳамкасбларим қатори мени ҳам хурсанд этди. Нетанки, лойиҳа қонуний кучга киргач, барчамиз учун фаолиятимиз давомида мустаҳкам асос ролини ўйнайди.

Лойиҳанинг 4-моддасида адвокатнинг ваколатлари баён қилинган. Унда адвокатнинг «Ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушлаб турилган пайтда бошлаб сони ва давом эттиш вақти чекланмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳоли учрашсин» ваколати борлиги кўрсатилган. Мен шу жумлага «Ўз ҳимоясидаги шахс билан у ушлаб турилган биринчи соатдан бошлаб...» деган сўзларни киритишни таклиф қилардим. Кўпинча ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлмаган шахслар пала-партиш ва терговчининг таъ-

йиқи билан ўзига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар сабабчиси бўлиб қолади. Дастлабки соатдан бошлаб адвокат хизмати таъминланса, бундай ноҳус ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Лойиҳанинг 6-моддасида адвокатнинг дахлсизлиги тўғрисида сўз боради. Бу моддада унга нисбатан республика, вилоят, шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан жиноий иш қўзғатилиши кўрсатиб ўтилган. Шу моддада адвокат устидан жиноий иш қўзғатиш учун жойлардаги адвокатлар раёсатидан ҳам рухсат олиш лозимлиги ҳақида банд қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Менга лойиҳанинг адвокатлик фаолиятига аралашганига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги 7-моддаси тўлақонлилиги, масала муҳоятини ҳар томонлама тўғри қамраб олганлиги билан маъқул келди.

Ўйлашганим, лойиҳа қонун кучига эга бўлгач, у далайт, жамият ва алоҳида фуқаролар манфаатига тўла хизмат қилади.

Маҳмуд ЖўРАЕВ,
адвокат.

